

**Э.М.МУХТОРОВ**

**ВРАЧ КАСБИЙ  
МАҲОРАТИ ВА  
ПСИХОДИАГНОСТИКА  
САМАРАДОРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ**

**Э.М.МУХТОРОВ**

**ВРАЧ КАСБИЙ МАҲОРАТИ ВА  
ПСИХОДИАГНОСТИКА  
САМАРАДОРЛИГИ**

**(Монография)**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**УЎК: 614.252.1**

**КБК 53.4**

**М-93**

**М-93 Э.М.Мухторов. Врач касбий маҳорати ва психодиагностика самарадорлиги. (Монография). –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 124 бет.**

**ISBN 978–9943–11–305–3**

Монография психодиагностиканинг моҳияти, функциялари ва усуллари ёритишга ҳамда унинг врачлар касбий маҳорати ўсишида тутаётган ва тутиши мумкин бўлган ўрнини аниқлашга бағишланган. Муаллиф даволаш муассасаларида муолажа жараёнига таъсир ўтказиши мумкин бўлган беморларнинг характери, темпераменти, акцентуациялари сингари хусусиятларини ташхислаш усуллари ёритишга ҳаракат қилган. Монографияда беморлар психологиясини ўрганишнинг янги усуллари ҳам баён қилинган. Хорижда ва мамлакатимизда шахс психологиясини ўрганиш бўйича яратилган методикалардан намуналар келтирилган, хорижда яратилган методикаларни мамлакатимиз шароитига мослаштиришга ҳаракат қилинган. Монография амалиётчи врачлар, психологлар ва тиббиёт олийгоҳлари ҳамда университетларнинг психология факультетлари талабаларига мўлжаллаб тайёрланган.

**УЎК: 614.252.1**

**КБК 53.4**

***Масъул муҳаррир:***

**А.Б.Шоумаров** – психология фанлари доктори, профессор.

***Тақризчилар:***

**Ш.Р.Баратов** – психология фанлари доктори, профессор;

**З.И.Ибодуллаев** – тиббиёт фанлари доктори, профессор.

***Монография Маданий антропология жамияти илмий-техник Кенгашининг 2016 йил 13 сентябрдаги қарорига асосан чоп этилди.***

**ISBN 978–9943–11–305–3**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.**

## КИРИШ

Психодиагностика психология назарияси билан амалиётни боғловчи ҳалқа ҳисобланади: «...Психодиагностика фан ва амалиёт ўртасида кўприк вазифасини бажаради»<sup>1</sup> Индивид ёки гуруҳларни ривожлантириш, улардаги оғишларни меъёрга келтириш, хасталикларни коррекция қилишдан аввал психодиагностика амалларини бажариш зарур бўлади. Айтиш мумкинки, психодиагностика амалларисиз психокоррекция амалларини ҳам, психотерапия амалларини ҳам бажариб бўлмайди. Бундан ташқари, психодиагностика психология назариясида қилинган янгиликлар, инновацияларнинг натижаларини баҳолашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу эса психодиагностиканинг назарий аҳамиятга ҳам эга эканидан гувоҳлик беради.

«Психодиагностика» атамасининг луғавий маъноси «психологик ташхис қўйиш» демакдир. Бошқача қилиб айтганда, психодиагностика шахснинг психологик ҳолати ёки алоҳида психологик хусусияти ҳамда ана шу хусусиятларнинг касаллик келиб чиқиши ва тадрижидаги роли тўғрисида илмий хулосага келишни билдиради.

Психология назарияси ва амалиёти соҳасида ҳам жиддий аҳамиятга эга эканига қарамасдан психодиагностика илмий йўналиш сифатида психология фанининг бошқа йўналишларидан орқада қолаётганини дунёдаги кўпчилик мутахассислар эътироф этишмоқда. Мазкур йўналишнинг мамлакатимиздаги ривожланиш даражаси ҳам ҳозирги кун талабларига тўла жавоб бера олмайди. Бир қатор психолог олимларимиз (Давлетшин М.Г., Қодиров Б.Р., Шоумаров Ғ.Б., Каримова В.М., Ибодуллаев З.И., Баротов Ш.Р., Бегматов А.С., Жабборов А.М., Нишонова З.Т., Суннатова Р.И., Сафаев Н.С., Тўлаганова Г.Қ., Умаров Б.М., Усмонова Э.З., Ҳайдаров Ф.И., Маҳмудов И.М., Эргашев П.Э., Қосимова Н.) ва бошқалар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган

---

<sup>1</sup> Л.И.Вассерман, Е.А.Трифорова, О.Ю.Щелкова. Психологическая диагностика и коррекция в соматической клинике. Санкт-Петербург, «Речь», 2011, стр 7.

бўлишига қарамай, ҳанузгача бу йўналишда йирик тадқиқотлар ўтказилмаган, монография, қўлланма ва дарсликлар яратилмаган.

Тиббий амалиёт соҳасида психодиагностиканинг назарий ва амалий масалаларини чуқурроқ ёритишга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Бундай ҳолат тиббиётда психосоматиканинг вужудга келиши ва тез ривожланиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда дунёда тиббиёт соҳасидаги мутахассис ва олимларнинг кўпчилиги хасталикларнинг асосий қисмини психосоматик касалликлар ташкил қилишини эътироф этмоқда. Бу эса касалликларга ташхис қўйишда нафақат тиббий, балки психологик ташхис қўйишни ҳам тақозо этади.

Собиқ шўролар тузуми даврида тиббиёт олийгоҳлари ўқув режаларига умумий психология, ижтимоий психология, ёш давлари психологияси, психодиагностика сингари фанларнинг умуман киритилмагани ҳозирги кунгача ўз асоратларини кўрсатмоқда. Тиббиёт олийгоҳларида психодиагностика фан сифатида ўқитилмагани сабабли тиббий амалиётда нозологик парадигма яқка ҳукмронлик қилган. Бугунга келиб психодиагностиканинг кўзга кўринарли ютуқлари туфайли нозологик парадигманинг яқка ҳукмронлигига барҳам берилаётгани қувонарли ҳол «... Тиббиётда кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган нозологик парадигма бугунги кунда қаршиликлар билан ўз ўрнини биопсихоижтимоий ва мослашув парадигмаларига бўшатиб бермоқда».<sup>1</sup> Бизнинг кузатишларимиз, интервьюларимиз, тадқиқотларимиз кўрсатишича, XXI асрнинг 10-йилларигача тиббиёт олийгоҳларини тугатган ва ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган амалиётчи врачлар психодиагностика бўйича билим ва кўникмаларга жиддий эҳтиёж сезишмоқда. Ушбу монография ана шу эҳтиёжларни озроқ бўлса ҳам қондириш мақсадида яратилди. Унда психодиагностика бўйича мамлакатимизда ва жаҳонда яратилган энг зарур ва охириги янгиликлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 7-бет

Бундан ташқари, «Нафақат психология бўйича тадқиқотчи ва амалиётчилар, мутахассислар, балки ўзларининг касбий ёки атрофдагилар билан муносабатларини тартибга солиш бўйича кундалик вазифаларини бажаришда атрофдагиларни муттасил баҳолаши зарур бўладиган социология, педагогика, бошқарув назарияси ва амалиёти бўйича мутахассислар, борингки турли касбларнинг вакиллари ҳам психодиагностикага мурожаат қилишларига тўғри келади».<sup>1</sup>

## **Психодиагностиканинг моҳияти ва функциялари**

Ҳозирги замон психодиагностикаси одамнинг индивидуал психологик ва индивидуал психофизик хусусиятларини аниқлаш ҳамда ўрганиш тўғрисидаги фандир. «Ҳозирги замон психодиагностикаси одамнинг индивидуал-психологик ва индивидуал-психофизик хусусиятларни аниқлаш ва ўрганиш усулларини ишлаб чиқадиган психологик фан сифатида тавсифланади. Унинг мақсади одам психикаси тўғрисида маълумотлар тўплашдан иборат. Психодиагностика ўз таркибига шунингдек, психологик амалиёт соҳасини, шахснинг турли сифатларини, психик ва психофизиологик хусусиятларини аниқлаш бўйича психолог фаолиятини ҳам қамраб олади».<sup>2</sup> Бундай хусусиятларни ўрганиш учун психодиагностика махсус усулларни яратади ва қўллайди. Мазкур фаннинг мақсади инсон психикасининг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ҳисобланади. Психодиагностика фақат назарий фан бўлиб қолмасдан, у психологик амалиётни, психологнинг шахс психикаси ва психофизиологиясига оид сифат ва хусусиятларини ўрганиш жараёнини ҳам қамраб олади. Шахснинг психик ва психофизиологик хусусиятларини ўрганиш ўз навбатида психологияда эришилган назарий янгилик ва амалий маълумотлардан таълим тизимида, спорт соҳасида,

---

<sup>1</sup> Шмелев А.Г. Психодиагностика личностных черт. – СПб.: Речь, 2002. – стр.5.

<sup>2</sup> Учебное пособие. Под ред. Гуревича К.М. и Борисовой Е.М. – М.: Изд-во УАРО, 2007, стр 3.

айниқса, тиббиётда, хусусан беморларни даволаш жараёнида фойдаланиш учун йўл очади.

Психодиагностика психологиянинг таркибий қисми бўлиш билан бирга, умумпсихологик тадқиқотлар билан амалиётни боғловчи халқа вазифасини ҳам бажаради. Бу фаннинг назарий асослари психологиянинг турли соҳалари: умумий, дифференциал, экспериментал, ёш даврлари, тиббий психология каби йўналишларнинг ютуқлари саналади. Психодиагностиканинг вазифалари жумласига шахснинг психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича конкрет амаллар, олинган натижаларни қайта ишлаш ва талқин қилиш кабилар киради. Шу билан бирга «психодиагностика психологиянинг амалий бўлими ва тиббий диагностиканинг таркибий қисми ҳисобланади».<sup>1</sup>

Психодиагностиканинг назарий ва услубий йўналишлари, аввало, психологик амалиётнинг талаблари билан белгиланади. Психодиагностика ёрдамида олинган натижалар муайян меъёрларга солиштирилади. Шу билан бирга олинган натижалар ўзаро солиштирилиши ҳам мумкин. Шужихатдан психологик ташхис икки турга бўлинади:

1. Муайян белги ёки хусусиятнинг мавжудлиги ёки йўқлигини қайд қилишга асосланган ташхис. Бундай ташхис текширилаётган шахснинг индивидуал хусусиятлари тўғрисида олинган маълумотларни меъёрий ҳолат билан қиёслайди.

2. Ўрганилаётган шахс ёки гуруҳнинг у ёки бу сифатлари қай даражада ривожланганини аниқлаш асосида меъёрга қай даражада яқин ёки узоқлигини белгилаш. Бунга эришиш учун психодиагностика фанида шу йўналишда ишлаб чиқилган методикаларидан фойдаланилади.

Психодиагностик тадқиқотларнинг мақсадларига мос равишда унинг натижалари тегишли мутахассисларга (врачлар, педагоглар, тренерлар, дефектологлар ва ҳ.к.)га узати-

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 94-бет.

лади. Бу мутахассислар олинган маълумотлардан қай тарзда фойдаланиш тўғрисида ўзлари хулоса чиқаришади ва ташхис қўйишади. Қўйилган ташхис ўрганилаётган сифатларни ривожлантириш ёки коррекция қилиш бўйича тавсиялар билан бирга тақдим қилиниши ҳам мумкин. Психологик ташхис мутахассислардан ташқари ўрганилаётган шахсларнинг ўзларига ёки уларнинг яқинларига тақдим қилиниши ҳам мумкин. Шу билан бирга, баъзи ҳолларда ўтказилган тадқиқотлар асосида психологик ташхис қўйган шахснинг ўзи ривожлантирувчи-коррекцион ёки психотерапевтик ишларни олиб бориши ҳам мумкин бўлади.

Психодиагностикага «психосемантик ёндашув шахсининг мотивациялари йўналиши ҳамда субъект томонидан ижтимоий воқеликни идрок қилиш ва англашда намоён бўладиган категориал тузилмаларни ташкил қилиш характерида кўринадиган инсон индивидуал онги «эҳтирослари» орқали ўрганиш имконини беради».<sup>1</sup>

Мамлакатимизда психодиагностика муаммоларига қизиқишнинг кучайиши асосан мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврда юз берди. Бунинг сабаби мустақиллик даврида мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда психологларни тайёрлашнинг кенг йўлга қўйилгани билан боғлиқ. Ўзбекистонда мустақиллик давригача фақат иккита олий ўқув юрти: Тошкент давлат университети ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида психологлар тайёрланган бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртларида юқори малакали психологлар тайёрланмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида амалиётчи психологлар ҳамда тиббий психологларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бундай мутахассислар ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида, мактабгача таълим муассасаларида, касбга йўналтириш пункт-

---

<sup>1</sup> Петренко В.Ф. Психосемантика сознания. – М.: Изд-во МГУ, 2008. – 230 с.



ларида, тиббиёт муассасаларида, спорт соҳасида ва ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритишмоқда.

Илмий билимнинг турли йўналишлари бўйича мутахассислар, хусусан, медиклар, иқтисодчилар, социологлар, юристлар, инженерлар, педагоглар, психологлар диагностикага катта қизиқиш кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳозирги кунда тиббий ташхисдан ташқари ташхиснинг ветеринария, ботаника, геология, техника ижтимоий соҳа ва педагогикага оид турлари ҳам фарқланади.<sup>1</sup>

Психодиагностика натижаларидан қуйидаги соҳаларда фойдаланилади:

1. Психодиагностика ютуқларидан таълим ва тарбия жараёнларини оптималлаштириш мақсадида таълим тизимининг барча босқичларида интенсив фойдаланилади.

2. Психодиагностика мутахассисларни касбий танлаш, касбий ўқитиш шунингдек, касбга йўналтириш ишларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу ишлар ҳар бир шахснинг ўзига мос келадиган касбни танлаши, касбий билими ва кўникмаларни самарали эгаллаши, касбий моҳирликка эришишини таъминлашга хизмат қилади.

3. Психологияга оид тадқиқотлардан амалий фойдаланишнинг муҳим соҳаларидан бири клиник маслаҳат бериш ҳамда психотерапевтик ишларни амалга оширишдир. Бунда психодиагностиканинг асосий вазифаси маслаҳат берилаётган ёки даволанаётган шахснинг муаммолари келиб чиқишида муҳим рол ўйнаган сабабларни аниқлаш бўлади. Шу билан бирга психодиагностика аниқланган сабабларни бартараф этиш усуллари ва амалларини танлаш вазифасини ҳам бажаради.

4. Психодиагностика натижаларидан кенг фойдаланаётган соҳалардан яна бири суд-психологик экспертиза соҳаси ҳисобланади. Психологик ташхис қўяётган мутахассис жабрланган шахслар, гувоҳлар ва шубҳа остидаги шахс-

---

<sup>1</sup> Ануфриев А.Ф. Психологический диагноз, М. Изд-во «Ось-89», 2006 стр.

ларнинг психик хусусиятларини ўрганади, улардаги мавжуд сифатлар тўғрисида психологик хулоса беради. Бу хулосалар суднинг адолатли ҳукм чиқаришида муҳим роль ўйнайди.

5. Психодиагностик тадқиқот натижаларидан фойдаланиш сезиларли самара берадиган соҳалардан бири тиббиёт соҳасидир. Лекин мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш тизимида психодиагностика маълумотлари ва натижаларидан етарли даражада фойдаланилаёпти, деб бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги кунгача мамлакатимиздаги тиббиёт олийгоҳларида бўлажак врачларни етиштиришда уларнинг психология, шу жумладан, психодиагностика соҳасидаги тайёргарлигига етарли эътибор берилмаяпти. Бундан ташқари, мамлакатимизда, ҳозирча, психодиагностика бўйича амалиётчи врачлар учун мўлжалланган қўлланма ва дарсликлар яратилган эмас.

6. Психодиагностика натижаларидан кенг фойдаланиш мумкин бўлган соҳалардан яна бири жисмоний тарбия ва спортдир. Лекин таассуф билан қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда бу соҳада психодиагностика имкониятларидан етарли фойдаланилмаяпти. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири ҳозирги кунда мамлакатимизда спорт психологияси бўйича мутахассислар ва адабиётларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз спортчилари катта ютуқларни қўлга киритди. Улар қитъа ва жаҳон биринчиликлари, олимпиадаларда улкан ютуқларга эришди. Лекин юксак малакали спортчиларни тайёрлашда психология, хусусан, психодиагностика имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш бу ютуқларнинг яна ҳам салмоқли бўлишини таъминлар эди.

Психодиагностика психология фанининг замонавий ва тез ривожланаётган соҳаси бўлиб жамиятда унга бўлган эҳтиёж борган сари ортиб бормоқда. Айниқса, тиббиёт соҳасида психодиагностикага бўлган эҳтиёж тез суръатлар билан ўсмоқда. Бунинг сабаби бир неча ҳолатлар билан боғлиқ. Аввало, тиббиёт таркибида психосоматиканинг



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3945> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3945> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3945>